

«Ўзбек қориларининг олтин силсиласи» китоб тақдимотига марҳабо!



19:13 / 29.03.2022 1510

2022 йил 30 март куни «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжиди имом ноиби, Қуръони Карим ходими Ҳасанхон Яхё Абдулмажиднинг қаламига мансуб «Ўзбек қориларининг олтин силсиласи» номли китобнинг тақдимоти бўлиб ўтади.

Тақдимот давомида ушбу китоб ҳақида керакли маълумотлар олишингиз, Қуръони Каримга доир мавзуларда ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоб топишингиз мумкин.

Китоб тақдимоти «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» мажмуасининг мажлислар залида, соат 14:00 да бошланади.

Тақдимотга ташриф буюрувчилар махсус таклифнома билан киритилади.

Аёлларимиз учун ҳам жойлар ҳозирланган.

Шунингдек, «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжидида ҳам ушбу китоб тақдимоти катта экранда намойиш этиб борилади.

Тақдимот маросими Islom.uz порталининг ижтимоий саҳифаларида онлайн эфирга узатилади.

Манзил: «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» мажмуасининг
мажлислар зали.

Мўлжал: «Hilol nashr» нашриёт-матбааси.

Манзил (Харита) <https://yandex.uz/maps/-/CCUBJ2E48B>